

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САНАЕВ ЭРМАТ ШЕРМАТОВИЧ

**НОАНЪАНАВИЙ ВА ТЕЗ ТАЙЁРЛАНАДИГАН МАКАРОН ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
ИННОВАЦИОН УСЛУБЛАРИ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда
қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Санаев Эрмат Шерматович

Ноанъанавий ва тез тайёрланадиган макарон ишлаб
чиқариш технологиясини такомиллаштиришни
инновацион услублари3

Санаев Эрмат Шерматович

Инновационные методы совершенствования
технологии производства нетрадиционных
и макаронных изделий быстрого приготовления21

Sanaev Ermat Shermatovich

Innovative methods of improvement
of non-traditional and instant pasta production..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....41

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САНАЕВ ЭРМАТ ШЕРМАТОВИЧ

**НОАНЪАНАВИЙ ВА ТЕЗ ТАЙЁРЛАНАДИГАН МАКАРОН ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
ИННОВАЦИОН УСЛУБЛАРИ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда
қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/T1543 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.niu.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар **Турсунходжаев Пўлат Муҳаммедович**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Маматов Шерзод Машрабжонович**
техника фанлари доктори, доцент

Агзамов Хуршид Казимович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: «Ўздонмахсулот» АК

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти хузуридаги DSc 03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий Кенгашнинг «24» 06 2021 йил соат «11» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навобий кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.) Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: (100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навобий кўч.32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2021 йил «11» 06 кун тарқатилди.
(2021 йил «11» 06 даги №27 рақамли реестр баённомаси).



С.М.Туробжонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Э.Кодиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., доцент

К.О. Додаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котибидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳолини тўлақонли ва хавфсиз маҳсулотлар билан таъминлаш озиқ-овқат саноатининг устувор вазибаларидан ҳисобланиб, хусусан, қишлоқ хўжалиги ривожда таркиби оқсилга бой дуккакли дон экинлари алоҳида ўрин тутиши ҳамда аҳолини қисқа муддатларда сифатли, озиқавий қиммати юқори бўлган эҳтиёжини ноанъанавий ва тезпишар макарон маҳсулотлари билан таъминлаш, ушбу маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Жахон озиқ-овқат саноатида озиқавий қиммати оширилган, оқсил ва витаминларга бой сифатли макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, углевод ва минералларга тўла бўлган бошоқли, дуккакли, мойли ўсимлик ҳомашёларини модификациялаш, озиқавий хавфсизлиги, биологик қимматини ошириш, хамир тайёрлаш жараёнини интенсификациялаш, ноанъанавий, тез тайёрланадиган макарон рецептурасини яратиш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада охириги йилларда етиштирилган маҳаллий ўсимлик ҳомашёларидан фойдаланиб, анъанавий ва тезпишар макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларнинг ассортиментини кенгайтириш, замонавий технологияларини яратиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг озиқавий ва биологик қимматини янада ошириш бўйича муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш салоҳиятини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»¹ бўйича муҳим вазибалар белгилаб берилган. Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар асосида озиқ-овқат корхоналари тармоқларида тезпишар макарон маҳсулотларининг ноанъанавий турларини ишлаб чиқариш, уларнинг ассортиментини кенгайтириш, замонавий технологияларини яратиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг озиқавий ва биологик қимматини янада ошириш йўналишлари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПҚ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2018 йил 19 январдаги ПҚ-3484-сон «Озиқ-овқат тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ-3680-сон «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармон ва қарорларида белгиланган

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот ишлари республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги биотехнология, экология ва атроф-муҳитнинг муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Макарон маҳсулотларининг озиқавийлик ва биологик қимматини оширишнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш бўйича Л.Я. Ауэрман, А.С. Гинзбург, Э.Д. Казаков, Н.П. Козмина, В.Л. Кретович, Л.И. Пучкова, В.И. Дробот, С.Я. Корячкина, В.В. Лукянов, Н.И. Назаров, Л.А. Буров, Ю.А. Мачихин, А. А. Мачихина, Г. М. Медведева, К. Э. Чернов, А.Ф. Буляндра, А.И. Истаев, Ж.К. Усембаева, Г.К. Исхакова, П.М. Турсунходжаев, И.Б. Исабаев, Т.И. Атамуратова, Д.А. Гафурова ва бошқалар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан табиий ўсимлик хомашёлари асосида анъанавий макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган, шунингдек, юқори озиқавий қимматга эга бўлган ноанъанавий кўшимчалар билан бойитилган тайёр маҳсулотнинг органолептик, физик-кимёвий, микробиологик хоссаларига таъсири ва сифати тадқиқ этилган.

Шу билан бирга юмшоқ буғдой навларидан тортилган навли унларнинг таркибида кам учрайдиган, сифатли макарон ишлаб чиқариш учун муҳим бўлган озиқавий моддалар ўрнини тўлдириш имконини берувчи, соя уруғининг сувли экстракти, занжабил ва лимон кукунларидан таркиб топган композицион аралашма суспензияси таъсирида тезпишар макарон ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №АМ-ФЗ-2019081448 «Маҳаллий хомашё асосида тезпишар макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш, озиқ-овқат ишлаб чиқариши чиқиндиларидан рационал фойдаланиш» (2020-2022 йй.) амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ноанъанавий ва тез тайёрланадиган макарон ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қаттиқ буғдой донининг кимёвий таркиби тахлилини ўтказиш орқали, тўрт асосий макаронбоп хоссларини берувчи моддалар қаторини аниқлаш ва бу моддалар ўрнини тўлдириш имконига эга бўлган маҳаллий хомашё манбаларининг кимёвий таркибини тахлил қилиш;

аниқланган маҳаллий хомашё манбааларининг кимёвий таркиби ва технологик хоссалари асосида композицион аралашма суспензиясини тайёрлаш;

умумқабул қилинган ҳалқаро стандарт талаблар ва техник шартларга мувофиқ композицион аралашма суспензиясини саноатда қўллаш;

тезпишар макарон маҳсулотларини юқори частотали микротўлқинли печларда қуритиш усулини, анъанавий конвектив усул билан таққослаш ва мақбул самарадор усулни аниқлаш;

тезпишар макарон хамирига механик ишлов бериш самарадорлигига композицион аралашма таркибидаги фосфолипидлар ва ёғларнинг таъсирини аниқлаш;

буғда пишириш ва қовуриш жараёнларининг технологик самарадорлигига композицион аралашма суспензияси таъсирини аниқлаш;

ноанъанавий ва тез тайёрланадиган макарон таркибини ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қаттиқ ва юмшоқ буғдой уни, соя суспензияси, занжабил ва лимон кукуни, микротўлқинли печи олинган.

Тадқиқотнинг предмети композицион аралашманинг суспензияси асосида тез пишар макарон ишлаб чиқариш технологик жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида маҳсус органолептик, физик-кимёвий, реологик, микробиологик ва биокимёвий, корреляцион-регрессион таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий соя дуккагининг 4,76% концентрацияли сувли экстракти, занжабил ва лимон кукунидан тайёрланган композицион аралашмани тезпишар макарон таркибига 80:20 нисбатда киритиш, каротиноид пигментларининг таркиби яхшиланиши, юмшоқ буғдой ундан тайёрланган хамирнинг клейковина миқдорини, крахмалнинг гидролизга чидамлилигини ошириши исботланган;

композицион аралашма суспензиясидан фойдаланиш натижасида, макарон хамирининг реологик, физик-кимёвий, биологик ва технологик ҳоссалари яхшиланиши, ҳўл клейковина миқдори 28% дан 32%-га ошиши, клейковинанинг чўзилиш деформацияси 80-ИДК дан 55-ИДК бирликгача яхшиланиши аниқланган;

композицион аралашма қўшилган тезпишар макарон хамирини 100-105°C ҳароратли буғ тунелида буғлатиш, 150-170°C ҳароратгача қиздирилган пальма ёғида қовуриш, маҳсулотнинг ғоваклик структурасини анъанавий усулга нисбатан 25% га яхшилаши ва ёғда қовуриш босқичининг давомийлигини 5-дақиқадан 3-дақиқага қисқартириш асосланган;

юқори частотали микротўлқинли қуритиш усулини қўллаш орқали ҳўл макарон массасини қовуришга сарфланадиган пальма ёғининг 18,2% миқдори тежаб қолинган, натижада қуритилган маҳсулотнинг ёғлилик даражасини 6,3 % га туширилган ва олинган тезпишар макарон маҳсулотининг сақлаш муддатини 5 ойдан 12 ойга узайтирилган;

олинган натижалар асосида ноанъанавий ва тез тайёрланадиган макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қаттиқ буғдой донидан олинган олий навли уннинг таркибига нисбатан, юмшоқ буғдой донидан олинган олий навли уннинг таркибида, макаронбоп

хоссаларни таъминловчи моддалар кам миқдорда учраши аниқланган (кремний 48%, бетакаротин 94%, оксил 3,5%), ва бу моддалар ўрнини алтернатив хомашёлар асосида тўлдиришга қаратилган тадқиқотларда, маҳаллий соя, занжабил ва лимондан комплекс фойдаланишнинг самарали эканлиги асосланган;

маҳаллий соя, занжабил ва лимондан комплекс фойдаланиш самарадорлиги асосида, композицион аралашма суспензиясининг 4,76 %-ли концентрацияси самарали эканлиги асосланган;

тезпишар макарон ишлаб чиқариш рецептурасига ноанъанавий хомашёлардан тайёрланган композицион аралашма суспензиясини киритиш орқали технологик жараён такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги яратилган янги рецептура таркиби асосида такомиллаштирилган технологик жараён ва босқичлар, ишлаб чиқариш саноат синовларидан олинган экспериментал натижаларнинг назарий натижаларга мослиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кимёвий таркибида макаронбоп хоссаларни таъминловчи моддалар кремний, бетакаротин ва оксилга бой моддалар манбаи бўлган соя суспензиясини мақбул концентрацияда тезпишар макарон ишлаб чиқариш рецептурасига киритиш тажрибаларни амалга оширишда, математик моделлаштириш методологиясини қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашё ресурсларидан самарали фойдаланиш, тайёр маҳсулот сифатини ошириш, таннархини пасайтириш, бунинг натижасида ишлаб чиқариш рентабеллиги ва рақобатбардошлигини оширишга имкон берувчи ноанъанавий қўшимчалар билан бойитилган макарон маҳсулотлари ассортименти кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ноанъанавий ва тез тайёрланадиган макарон ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

анъанавий ва ноанъанавий хомашёлар асосида тузилган макарон ишлаб чиқариш рецептураси таркибига кирувчи 30% ичимлик суви ўрнига (соя уруғининг сувли экстракти, занжабил ва лимон кукунлари аралашмаси) тавсия этилган композицион аралашма суспензияси асосида, қисқа кесиладиган макарон ишлаб чиқариш технологияси «Ўзбекистон озиқ-овқат саноати» уюшмасининг «2021-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзбекистон озиқ-овқат саноати» уюшмасининг 2021 йил 15 февралдаги №15-05/02-21-сон маълумотномаси). Натижада ноанъанавий макарон ишлаб чиқариш рецептурасига киритилган композицион аралашма суспензияси таъсирида технологик жараёнлар (хамир қориш, шакл бериш, қуритиш) самарадорлигини 20 % га ошириш имконини берган;

ноанъанавий хомашёлар асосида тайёрланадиган тезпишар макарон ишлаб чиқариш рецептураси таркибига кирувчи 30% ичимлик суви ўрнига (соя

уруғининг сувли экстракти, занжабил ва лимон кукунлари аралашмаси) тавсия этилган композицион аралашма суспензияси асосида узун кесиладиган макарон ишлаб чиқариш технологияси «Ўзбекистон озиқ-овқат саноати» уюшмасининг «2021-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзбекистон озиқ-овқат саноати» уюшмасининг 2021 йил 15 февралдаги №15-05/02-21-сон маълумотномаси). Натижада хўл макарон махсулотларини конвектив усулида қуритиш босқичида кечадиган физик-кимёвий жараёнлар таъсирида, крахмалнинг гидролизланиши, декстринланиши ва желеланиши олдини олиш имконини берган;

ноанъанавий ва тезпишар макарон хамирини тайёрлаш жараёнида, юмшоқ буғдой унига 80:20 нисбатда (соя уруғининг сувли экстракти, занжабил ва лимон кукунлари аралашмаси) қўшиш тавсия этилган композицион аралашма суспензияси асосида тезпишар макарон ишлаб чиқариш технологияси «Ўзбекистон озиқ-овқат саноати» уюшмасининг «2021-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзбекистон озиқ-овқат саноати» уюшмасининг 2021 йил 15 февралдаги №15-05/02-21-сон маълумотномаси). Натижада тавсия этилган композицион аралашма таркибидаги 6,3% ёғ хисобига, хўл макарон махсулотларини қуритиш жараёнида сарфланадиган 25% пальма ёғининг сарфини 6,3% -га қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та шу жумладан, 2 та халқаро, 2 та маҳаллий журналларда ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган. Олий аттестация комиссияси диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та журнал мақолалари ва 7 та тўплам материаллари ва 1 та хаммуалифликда фойдали моделга патент олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ҳамда предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий қиймати очилган, ишлаб чиқаришга жорий этилиши ҳақида маълумотлар келтирилган, чоп этилиш даражаси ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «макарон ишлаб чиқариш саноатида, ноанъанавий хомашёлар ва уларнинг композицион аралашмасидан фойдаланиш таҳлилий шархи» деб номланган биринчи бобида макароннинг инсон

овқатланиш рационадаги аҳамияти, унинг озикавийлик қиммати ва уни яхшилашнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги замонавий тасаввурлар кўриб чилган. Ушбу маҳсулот турининг биологик қимматини ошириш усуллари умумлаштирилган ва тизимлаштирилган. Макарон ишлаб чиқариш технологиясида соя, занжабил, лимон, қовоқ, ялпиз хомашёсидан фойдаланиш истиқболлари таҳлил қилинган. Илмий-техник манбалар маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, соғлом овқатланиш маҳсулотлари асортиментини кенгайтириш, сифатини ошириш, биринчи навбатда оқсил етишмовчилигига барҳам бериш, макарон маҳсулотлари таркибига турли хил дуккакли донлар ва уларнинг қайта ишланган маҳсулотлари кенг қўлланилган. Бунга боғлиқ равишда анъанавий ва тезпишар макарон ишлаб чиқариш технологиясида маҳаллий соя уруғи суспензиясидан фойдаланишнинг илмий-амалий асослаш мақсадга мувофиқ. Юқорида ўрганилган маълумотлар асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Хомашё ва тайёр маҳсулот сифат кўрсаткичларини тадқиқ қилиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида хомашё ярим фабрикатлар ва тайёр маҳсулотнинг товаршунослик-технологик, инструментал таҳлили услублари таҳлил қилинган, соя уруғининг сувли суспензиясини ажратиб олиш ва композицион аралашма тайёрлаш усуллари тавсифланган. Тажриба маълумотларини математик режалаштириш ва статистик ишлов бериш услублари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Соя уруғи, занжабил ва лимон кукунларидан композицион аралашма суспензиясини тайёрлаш ва макарон ишлаб чиқариш технологиясида қўллаш**» деб номланган учинчи бобида тезпишар макарон маҳсулотларининг озикавий ва технологик қимматини ошириш, табиий яхшилаткич сифатида маҳаллий ўсимликлар хомашёларидан фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинган. Таҳлил натижалари асосида маҳаллий шароитда етиштирилган оқсилга бой соя уруғи ва юқори антиоксидант хусусиятга эга бўлган занжабил, лимон кукунидан фойдаланиб, тезпишар макарон ишлаб чиқариш рецептурасини такомиллаштириш имконияти яратилган, натижалар куйдаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Соя экстракти, занжабил ва лимон кукунларининг кимёвий таркиби бўйича қиёсий таҳлиллар тавсифи (100 г қуруқ моддага нисбатан%)

Маҳаллий дон турлари	Оқсиллар, г	Ёғлар, г	β-каротин, мг	Si-кремний, мг
Соя (селекта 101)	39,6	19,5	70,0	117,0
Қаттиқ буғдой (durum)	14,83	1,8	170,0	110,0
Юмшоқ буғдой (Андижон-6)	11,80	2,2	10,0	57,0
Занжабил (оқ занжабили)	1,82	0,75	0,9	16,0
Лимон (тунгич)	0,80	2,3	10,0	2,0

Жадвал таҳлиliga кўра, юмшоқ буғдой унининг таркибида мавжуд бўлган моддалар миқдорига нисбатан, маҳаллий шароитда етиштирилган соя уруғининг таркибида оқсиллар 27,8 % , ёғлар 17,3%, β-каротин 60%, кремний 60% га юқори эканлиги аниқланган. Ўзбекистонда ташкил этилган қурфоқчиликка қарши

курашиш бошқармаси тавсияси билан Давлат реестрига киритилган маҳаллий соя, занжабил ва лимон навларининг хўжалик-қимматли белгилари ва олинган тажриба таҳлиллари асосида, соя уруғининг «Селекта 101» нави танланган, ушбу нав Россия Федерациясининг ўсимликшунослик Институтлари томонидан яратилган бўлиб, Республикамиз ерларига синов намунаси сифатида экилиб юқори ҳосилдорликка эришилган, шу тариқа бугунги кунда энг истиқболли нав сифатида маҳаллий шароитда етиштирилмоқда. Шу билан бирга занжабилнинг «Ўзбек оқ занжабил» нави, лимоннинг «Ўзбекистон тўнғичи» навлари тадқиқот тажрибаларида қўлланилган. Тадқиқот тажрибаларини ўтказиш учун олинган соя уруғининг кимёвий таркиби таҳлилида оксиллар, углеводлар, ёғлар ва минерал моддаларнинг миқдори юқори кўрсаткичларни намоён этган ва бу кўрсаткичлар асосида тезпишар макарон маҳсулотларининг кимёвий таркибини бойитишга асосланган композицион аралашманинг асосий таркиби тузилган, бунда соя уруғидан макарон ишлаб чиқариш технологиясида самарали таъсирга эга бўлган сувли суспензиянинг мақбул концентрацияси ишлаб чиқилган.

Композицион аралашма суспензиясини тайёрлаш уч босқичда амалга оширилди:

1-босқичда соя уруғи бегона аралашмалардан тозаланди;

2-босқичда соя уруғи 40°C ҳароратли ичимлик сувида 2-4 соат давомида бўктириб қўйилди;

3-босқичда етилган соя уруғи 40°C ҳароратли ичимлик суви билан турли нисбатларда (1:5, 1:10, 1:15, 1:20, 1:25, 1:30) аралаштирилди, лаборатория комбайнида янчилди ва ҳосил бўлган сувли экстракт 0,55 микронли капрон элакдан ўтказиш орқали соя уруғининг сувли экстракти ажратиб олинди. Ажратиб олинган соя экстрактининг кимёвий таркибининг таҳлилий натижалари қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал


Соя уруғидан ажратиб олинган сувли экстрактининг кимёвий таркиби

Озиқавий моддалар	Тажрибадан олинган таҳлил натижалари
Сув,%	88,75
Оксиллар,%	3,80
Углеводлар,%	1,70
Ёғлар,%	5,5
Минерал моддалар,%	0,25


Жадвал таҳлилига кўра, соя уруғининг 4,76 % ли сувли суспензиясида, оксил ва ёғларнинг миқдори, қўлланилиб келинаётган рецептура таркибидаги моддалар миқдорини кескин ошириб юбормаслиги, тезпишар макарон ишлаб чиқариш технологик босқичларининг ўлчов меъёрларини қайта солашни талаб этмасида, турли яхшилатгичлардан фойдаланиш меъёрларини қисқартиради.

Чунки бугунги кунда макарон саноатининг барча тармоқларида ишлатиладиган яхшилатгичлар таркибида буғдой уни, соя уни, соя лецитини, фосфолипидлар ва ферментлар мавжуд. Таклиф этилган композицион аралашма суспензияси таркибидаги фосфолипидлар ва оксиллар буғдой унининг оксили билан ўзаро боғланиб гулитеннинг механик шикастланиш таъсирдан ҳимоя қилади. Соя уруғининг сувли суспензияси намуналари,

тезпишар макарон рецептига турли концентрацияларда киритилган, натижада унинг клейковина миқдори ва сифатининг ўзгариши лаборатория таҳлилларида аниқланган. Олинган натижаларнинг юқори аниқлик чегарасини аниқлашда, Microsoft Excel операцион муҳитидан фойдаланиб диаграмма шаклида 1 ва 2-расмларда келтирилган.



1-расм. Турли концентрацияли соя уруғининг сувли экстракти таъсирида юмшоқ буғдой унини клейковена миқдорининг ўзгариши



2-расм. Турли концентрацияли соя уруғининг сувли экстракцияси таъсирида юмшоқ буғдой унини клейковена сифатини ўзгариши

1- ва 2-расмларда келтирилган натижалар таҳлиliga кўра, соя уруғининг 4,76% концентрацияси бошқа концентрацияларга нисбатан самарали эканлиги аниқланган, бунда юмшоқ буғдой унининг клейковина миқдори 32 %, сифати 52 ИДК бирлигини кўрсатган.

Соё уруғининг 4,76% концентрацияли суспензияси тезпишар макарон ишлаб чиқариш технологиясида самарали аҳамиятга эга эканлиги тадқиқотнинг

саноат тажриба синовларида исботланган. Шунингдек, тадқиқотда маҳалилий занжабил ва лимон навларининг хўжалик-қимматли белгилари ўрганилган ва давлат реестрига киритилган энг истиқболли, хусусан, маҳаллий «Ozbek oq zanjabili» нави, тажрибаларда қўлланилган. Тезпишар макарон ишлаб чиқариш рецептурасига занжабил ва лимон кукунларини киритишнинг самарали таъсирини оширишда, соя уруғининг сувли суспензияси энг мақбул эритувчи объект ҳисобланади, шунингдек макарон ҳамирини қориш жараёнида суёқ компонентлардан фойдаланиш, ҳамирнинг барча қисмларига бир маромда намлик тақсимланишига ёрдам беради. Шунинг учун қуритилган занжабил ва лимон кукунларини суёқ компонентларда эрувчанлиги сабабли ушбу кукунсимон моддаларни соя суспензиясида эритиш орқали композицион аралашма ҳосил қилиш, ҳамир тайёрлаш жараёнида ноқулайликлар келтириб чиқармайди. Тадқиқот тажрибаларини юқори аниқлигини таъминлаш мақсадида тезпишар макарон маҳсулотлари рецептурасининг мақбул таркибини тузиш учун турли миқдорий намуналар танланди. Тажрибанинг назорат намунасида макарон фақат олий навли бугдой унидан ҳеч қандай қўшимчаларсиз, ичимлик сувида тайёрланди.

Соя уруғи, занжабил ҳамда лимон кукунлари асосида тузилган композицион аралашма суспензияси таркибини тузишда 5-та намуна 100 кг олий навли юмшоқ бугдой унига нисбатан (10.0, 15.0, 20.0, 25.0 ва 30.0 %) олинган (3-жадвал).


3-жадвал

Композицион аралашма таркиби ва намуна вариантлари асосида янги рецептура таркибини тузиш. (100 кг унга нисбатан)

Тажриба намуналари	Ун миқдори, кг	Ҳамир қоришда соя экстракти, %	Соя суспензияси концентрацияси, %	Занжабил кукунли, %	Лимон кукунли, %
1-намуна	100	10,0	1,0	0,5	0,5
2-намуна	100	15,0	1,5	1,5	1,5
3-намуна	100	20,0	2,5	2,0	2,0
4-намуна	100	25,0	3,22	2,2	2,2
5-намуна	100	30,0	4,76	2,5	2,5

Жадвалда келтирилган намуналар асосида саноат тажриба синовларини ўтказиш, натижаларни юқори аниқликда олиш учун корреляцион-регрессион таҳлиллар ўтказилган натижалар 3-расмда келтирилган.

Расмда келтирилган кўрсаткичлар таҳлилига кўра, ҳамир қориш жараёнида энг мақбул концентрация намунаси сифатида 5-чи намуна танлаб олинган.



3-расм. композицион аралашма суспензияси таркибига кўра хамирнинг клейковина миқдори, пресслаш тезлиги ва қуритиш кўрсаткичларининг ўзгариши

Тадқиқот тажрибаларида қўлланилган композицион аралашма таркибига киритилган ҳар бир модда тезпишар макарон маҳсулотларининг маълум бир механизмларини яхшилашга қаратилган, жумладан соя уруғининг сувли суспензияси, хамирнинг реалогик хоссаларини яхшилашга, занжабил ва лимон кукунлари, юмшоқ буғдой таркибидаги мўрт структурага эга бўлган крахмал декстринланишини олдини олишга, хамир таркибида кечадиган ферментатив жараёнларда ҳазм бўлмайдиган углеводларни ҳазм бўладиган углеводларга парчаланишига ёрдам бериши аниқланган.

4-жадвал

Композицион аралашма суспензияси асосида тузилган тезпишар макарон ишлаб чиқариш рецептураси ва унинг кимёвий таркиби ҳамда озиқавий қиммати.

Ҳом-ашёлар	Рецептура таркиби, кг	Сув, %	Оқсил, г	Ёғлар, г	Углеводлар, г	Озиқавий қиммати, ккал	Энергетик қиммати, кДж
Олий навли ун	100	13	10,8	1,3	74	366	1537
Композицион аралашма	30	88,7	3,8	5,5	1,7	74,2	310
Тезпишар макарон	113	13	14,6	6,8	76,1	404,2	1847

4-жадвал таҳлилига кўра, композицион аралашма суспензияси киритилган макарон ишлаб чиқариш рецептурасида оқсиллар, ёғлар ва углеводларнинг миқдорий кўрсаткичлари анъанавий макарон ишлаб чиқариш рецептурасининг таркибига нисбатан юқори кўрсаткичга эга. Шу билан бирга янги тузилган рецептура таркибига 30% композицион аралашма, анъанавий рецептура таркибидаги 30 % ичимлик сувининг ўрнига алмаштирилди, натижада хамир

қориш, пресслаш, шакл бериш ва қуритиш босқичлари самарадорлиги, хамир текстурасининг бир маъромда шаклланиши ҳисобига ошган. Тажриба синовларини ўтказиш орқали аниқланган меъёрий комбинациялар асосида ишлаб чиқилган композицион аралашма суспензияси таъсирида, тайёр маҳсулотнинг органолептик, физик-кимёвий хусусиятларига таъсирини аниқлаш, стандарт талаблар асосида таҳлил қилинган, натижалар қуйидаги 5-жадвалда келтирилган.


5-жадвал

Композицион аралашма суспензияси асосида ишлаб чиқарилган тезпишар макарон маҳсулотларининг органолептик, физик-кимёвий ва пишириш кўрсаткичлари

Кўрсаткичларнинг номланиши	Тезпишар макарон маҳсулоти:		Стандарт талаблар ГОСТ Р 54656-2011 ва СТО 9149013-001-2016
	Назорат (Maxibon)	Композицион аралашма асосида	
Синдирилганда	Ғовак		Ғоваклик талабига ҳос
Таъми	Бегона таъмларсиз маҳсулот таъмига ҳос		Бегона таъмларсиз маҳсулот таъми талабга ҳос
Тайёрланган маҳсулот ҳолати	Қисман ёпишқоқ	Ёпишқоқ эмас	Ёпишқоқлик талабига ҳос
Маҳсулот намлиги, %	5	3,0	5 дан ошмасин
Кислоталиги, град	1,8	2,8	4 дан ошмасин
Пиширишда шаклини сақлаб қолиши, %	95	100	100 дан кам эмас
Ёғлилик даражаси, %	25	6,3	9-22 гача


Жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлиliga кўра, композицион аралашма суспензияси киритилган янги рецептура асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг органолептик кўрсаткичлари, анъанавий рецептура асосида ишлаб чиқарилган тезпишар макарон маҳсулотларининг органолептик, физик-кимёвий, тайёрлаш, ва ёғлилик кўрсаткичларига нисбатан самарали эканлигини ифодалайди. Тезпишар макарон ишлаб чиқариш технологиясининг қуритиш босқичида қиздирилган пальма ёғида қовуриш орқали маҳсулот таркибидаги сув буғга айланитрилади, бу усул тайёр маҳсулотнинг ғоваклик структурасини ҳосил қилишда муҳим ҳисобланади. Ғоваклик структурасини ҳосил қилиш натижасида тезпишар макарон маҳсулотлари, қайнаган сувда 3-5 дақиқа ушлаб туриш орқали тайёр таом ҳолига келтирилади. Қуйидаги 4-расмда тезпишар нам макарон маҳсулотини қиздирилган пальма ёғида қовуриш орқали қуритиш жараёнида ҳосил бўлган ғоваклик структураси (DM-200) электрон микроскоп ёрдамида 200 марта катталаштириш орқали кузатилган.

4-расмда келтирилган микроскопик таҳлил натижаларига кўра, тезпишар макарон маҳсулотларини қиздирилган пальма ёғида қовуриш орқали қуритиш босқичида маҳсулотнинг ички структурасида ғоваклик ҳосил қилинган. Ғоваклик кўрсаткичини аниқлашда, маҳсулот шаклининг кўндаланг кесилган юзасида ҳосил бўлган ғовак қисмларнинг ўлчамлари ва беқарор жойлашуви микроскопда кузатилади, анъанавий рецептура бўйича ишлаб чиқарилган тезпишар макарон маҳсулотининг ғоваклиги 70 % ни ташкил этган.



4-расм. Анъанавий маҳсулот рецептураси асосида тайёрланган тезпишар макарон маҳсулотини қиздирилган (150-170 °С) пальма ёғида қовуриш орқали қуритиш босқичида, ҳосил бўлган ғоваклик структурасининг микроскопик таҳлили

Анъанавий усулда олинган натижаларни таклиф этилган янги композицион аралашма билан таққослаш тажрибасида, композицион аралашманинг 30% микдори, анъанавий рецептурада қулланиладиган 30% ичимлик суви ўрнига қўшилди, натижада қиздирилган (150-170°С) пальма ёғида қовуриш орқали қуритиш натижасида маҳсулотнинг ғоваклик структурасининг яхшиланиши қуйидаги 5- расмда келтирилган.



5-расм. Композицион аралашма суспензияси асосида тайёрланган тезпишар макарон маҳсулотини қиздирилган (150-170°С) пальма ёғида қовуриш орқали қуритиш босқичида, ҳосил бўлган ғоваклик структурасининг микроскопик таҳлили.


5-расмда келтирилган микроскопик таҳлил натижаларига кўра, тезпишар макарон маҳсулотларини қиздирилган пальма ёғида қовуриш орқали қуритиш босқичида маҳсулотнинг ички структурасида ғоваклик ҳосил қилинган. Ғоваклик кўрсаткичини аниқлашда, маҳсулот шаклининг кўндаланг кесилган юзасида ҳосил бўлган ғовак қисмларнинг ўлчамлари ва барқарор жойлашуви микроскопда кузатилган, аниқланган ғовак қисмлар сонига кўра, композицион аралашма асосида ишлаб чиқарилган тезпишар макарон маҳсулотининг ғоваклиги 90 % ни ташкил этган.

4 ва 5-расмларда келтирилган маълумотлар таҳлиliga кўра, тезпишар макарон ишлаб чиқаришда композицион аралашма суспензиясидан фойдаланиш анаънавий усулдан фарқли ва самарали натижага эга эканлиги тадқиқот тажрибаларининг микроскопик таҳлилларида ўз ифодасини топган. Маҳсулотнинг ғоваклик текстураси қанчалик яхши шаклланса таом тайёрлаш жараёни шунча тез ва самарали яқунланиши асосланган.

Диссертациянинг «**Тезпишар макарон маҳсулотларини микротўлқинли печларда қуритишнинг инновацион ишланмалари**» деб номланган учинчи боби, тезпишар макарон маҳсулотларини қиздирилган (150-170°C) пальма ёғида қовуриш босқичини қисқартиришга қаратилган. Ушбу тадқиқот доирасида тезпишар макарон маҳсулотларининг ғоваклик текстурасини ҳосил қилишда, ёғ сарфламасдан қуритишга асосланган микротўлқинли қуритиш усули тавсия этилган. Тезпишар макарон маҳсулотлари юқори частотали (2450 МГц) микротўлқинли қурилмаларда қуритиш, жорий фойдаланилаётган усулдан фарқли ва самарали натижалар бериши тадқиқ қилинган. Олиб борилган тажриба синовлари натижасида ушбу қуритиш усули, маҳсулотнинг рангини, ҳидини ва таъми асл ҳолича сақланиб қолишини тaminлаган. Шунингдек маҳсулотни усимлик ёғида қовуриш босқичида сарфланадиган ўсимлик ёғини тежаб қолишда ушбу усул самарали эканлиги тадқиқот тажрибаларида исботланган.

Олинган натижалар таҳлиliga кўра микротўлқинли қурилмалардан фойдаланиш, маҳсулот таннархини пасайишига, сақлаш муддатини узайишига олиб келади. Бу технологик босқич ўта масъулиятли босқичи бўлиб, уни тўғри амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясида микротўлқинли қуритиш усулидан фойдаланиш маҳсулотнинг органолептик, технологик, ва биологик хусусиятларига самарали таъсир кўрсатади.

Шу ўрнида таъкидлаш керакки, бугунги экологик ва эпидимялогик вазиятларда озиқ-овқат таркибида оксидланишга мойил бўлган қўшимчаларни камайтириш илмий тадқиқотчилар зиммасига катта маъсулятларни юклайди. Тажриба тадқиқотлари, «ARDENT FOODS» МЧЖ да амалга оширилди. Тавсия этилган усул билан жорий қўлланилиб келинаётган усулнинг қиёсий таҳлилари ўтказилган, натижалар қуйидаги 6-расмда келтирилган.




6-расм. Тезпишар макарон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда микротўлқинли печларда қуритиш усулини қўллаш натижаларини, жорий фойдаланиб келинган усул билан таққослаш.

6-расмда микротўлқинли печларда қуритиш асосида келтирилган натижалар таҳлилида микротўлқинли қурилмаларда тезпишар макарон маҳсулотларини қуритиш, маҳсулотнинг органолептик, технологик ва биологик хусусиятларига самарали таъсир кўрсатди. Тадқиқот натижаларини sanoatга жорий этишда, тезпишар макарон ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаш имкони яратилган (7-расм).

7-расм таҳлиliga кўра, композицион аралашма суспензиясини қўллаш технологияси анъанавий қўлланилиб келинган технологик босқичларга ёрдамчи ва фойдали модел сифатида тавсия қилинган бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида кўшимча ишчи кучи ва жой талаб қилмайди. Макарон ишлаб чиқариш жараёнида сувни филтрлаш ва зарасизлантириш босқичи вазифасини ушбу кўшимча сифатида киритилган 12, 13 қурилмаларда амалга оширилади. Биз таклиф этаётган технологик схемадаги 20, 21, 22 ҳампалар, композицион аралашма тайёрлашга сарфланадиган ҳомашёларни сақлашга хизмат қилиади. Анъанавий ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилиб келинган 30% ичимлик суви ўрнига киритилган композицион аралашма суспензиясидан фойдаланиш, сув билан боғлиқ бўлган технологик муаммоларни (сувни филтрлаш, юмшатиш, ер ости сувларини оғир чўкмалардан тозалаш) бартараф этади. Чунки композицион аралашма суспензиясини тайёрлашда қайнатилган сув ишлатилади ва капрон матоли филтрдан ўтказилади.

Ушбу композицион аралашма суспензиясини қўллаш технологиясининг энг муҳим авфзалликларидан бири, антиоксидан хусиятга эга бўлган лимон ва занжабил кукунлари макарон ҳамирини тайёрлаш, шакл бериш, қуритиш босқичларида ҳосил бўлган иссиқлик ва нам ҳоволи муҳитда ривожланадиган микроорганизмлар кўпайишига тўсқинлик қилади.



1-қопсиз ун сақлаш бункерлари; 2-винтли узатма; 3,5,10- тақсимловчи шлюз; 4-циклон; 6 -ун эловчи ускуна; 7-магнитли тутқич; 8-автомат гарози; 9-хампа; 11- насос; 12-элакли фильтр; 13-аралаштиргич; 14-хамир қориш ускунаси; 15-пресс; 16-дастлабқи қуритиш тунели; 17-яқуний қуритиш тунели; 18- мўътадиллаштириш босқичи; 19-қадоқлаш ускунаси; 20- лимон кукунни учун хампа; 21-занжабил кукунни учун хампа; 22- соя экстракти учун танк

7-расм. Макарон ишлаб чиқариш технологиясида композицион суслензиядан фойдаланиш чизмаси

ХУЛОСАЛАР

1. Юмшоқ буғдой унининг таркибида, каттик буғдой унининг таркибига нисбатан кремний 48%, бетакаротин 94%, оксил 3,5%-га кам эканлигини ҳисобга олиб, уларнинг ўрнини тўлдириш учун соя, занжабил ва лимоннинг сувли суспензиясини қўшиш тавсия этилди.

2. Юмшоқ буғдой уни хамирининг реалогик, функционалик ва ҳазм бўлиш хоссаларини яхшилаш учун, таркибида юқори миқдорда кремний, оксил, бетакаротин бўлган соя суспензияси 30%, занжабил кукуни 2,5% ва лимон кукунини 2,5% қўшиш тавсия этилди.

3. Маҳаллий соя дуккагининг 4,76% концентрацияли сувли экстракти, занжабил ва лимон кукунидан тайёрланган композицион аралашмани тезпишан макарон таркибига 80:20 нисбатда киритиш, каротиноид пигментларининг таркиби яхшиланиши, юмшоқ буғдой унидан тайёрланган хамирнинг клейковина миқдорини, крахмалнинг гидролизга чидамлилигини ошириши исботланган.

4. Композицион аралашма суспензияси таъсирида, макарон хамирининг реалогик, механик, физик-кимёвий хоссалари ижобий томонга ўзгарган, бунда клейковина миқдори 28% дан 32% га, сифати 80 ИДК бирлигидан 55 ИДК бирлиги билан такомиллашди.

5. Композицион аралашма таркибидаги фосфолипидлар ва ёғлар таъсирида хамирга механик ишлов бериш босқичларининг самарадорлиги 20%-га, бунинг натижасида ишлаб чиқариш қуввати 20%-га ошиши кузатилди.

6. Тезпишар макарон маҳсулотларини қуритишда, юқори частотали микротўлқинли қуритиш усулини қўллаш тавсия этилди.

7. Тезпишар макарон ишлаб чиқариш рецептурасига, ноанънавий ҳомашёлардан тайёрланган композицион аралашма суспензиясини аралаштириш технологик жараёни тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/30.12.2019.Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО – ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

САНАЕВ ЭРМАТ ШЕРМАТОВИЧ

**ИННОВАЦИОННЫЕ МЕТОДЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ
ТЕХНОЛОГИИ ПРОИЗВОДСТВА НЕТРАДИЦИОННЫХ И
МАКАРОННЫХ ИЗДЕЛИЙ БЫСТРОГО ПРИГОТОВЛЕНИЯ**

**02.00.17 – Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.2.PHD/T1543

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу ik-kimyo.nuu.uz и информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Турсунходжаев Пулат Мухаммедович

доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Маматов Шерзод Машрабжонович

доктор технических наук, доцент

Агзамов Хуршид Казимович

кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

«Ўздонмахсулот» АК

Защита диссертации состоится «24» 06 2021 г. в «11» часов на заседании научного совета DSc. 03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21; факс: (+99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № 18, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан «11» 06 2021 года.
(протокол рассылки № 27 от 11.06 2021 г.).



С.М. Турабджанов

Председатель Научного совета по присуждению
ученой степени доктора наук, д.т.н., профессор

Х.Э.Кодиров

Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученой степени доктора наук,
д.т.н., профессор

К.О. Долаев

Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученой степени доктора
наук, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире для обеспечения населения полноценными и безопасными продуктами является одним из приоритетов пищевой промышленности, в частности сельского хозяйства, где важно расширить ассортимент богатых белком бобовых культур и в краткосрочной перспективе удовлетворить потребности населения нетрадиционными видами макаронных изделий и макарон быстрого приготовления высокой пищевой ценностью.

В мировой пищевой промышленности проводятся научные исследования по производству высококачественных макаронных изделий, богатых питательными веществами, белками и витаминами. В связи с этим особое внимание уделяется модификации зерновых, бобовых, масличных культур, богатых углеводами и минералами, безопасности пищевых продуктов, повышению их биологической ценности, интенсификации процесса приготовления теста, созданию и совершенствованию производства нетрадиционных рецептов макарон быстрого приготовления.

